

Аллоҳнинг раҳмати кенг, лекин ...

16:35 / 27.03.2017 2696

Баъзилар Аллоҳ таолонинг раҳмати кенглигини бироз бошқача тушунади. Масалан: бирор гуноҳ ишни қилиб турган бўлса, “Аллоҳнинг раҳмати кенгку, У зот мағфиратли, кечириб юборади”, деб ўзини ёки ўзгани хотиржам қиласди.

Азизлар шуни унутмаслигимиз керакки, Аллоҳнинг раҳмати кенг бўла туриб, унга киролмай қолиш ҳам мумкин. (Аллоҳнинг Ўзи асрасин!) Аллоҳнинг раҳматига киролмай қолиш эса ҳақиқий баҳтсизликдир.

Умар ибн Абдулазиз роҳматуллоҳи алайҳ: “Эй инсонлар, сизлар бекорга яратилмагансиз, бекорга тарк қилинмайсиз. Сизлар учун қайта тирилиш куни бор. У кунда Аллоҳ азза ва жалла сизларни ўртангизда ҳукм чиқаради. Умиди пучга чиқсан ва ҳақиқий баҳтсиз бўлган банда – Аллоҳ азза ва жалла уни барча нарсани сиғдирган раҳматидан ва кенглиги Осмонлару-Ерча бўлган жаннатидан чиқариб юборган бандадир. Албатта эрта (Қиёматдаги) омонлик бу дунёда Аллоҳдан қўрқсан, Унга тақво қилган, оз нарса билан (яъни, озгина амали билан) кўпни сотиб олган (яъни, кўп савобга эришган), ўткинчининг эвазига боқийни сотиб олган кишиигадир”, деб хутба қилганлар.

رَوْ رَحْمَةً مُّتَعَسِّ وَ يَلْكُ شَيْءٍ

“Раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир.” (Аъроф;156)

Ҳа азизлар, Роббимизнинг раҳмати ҳамма нарсадан кенг, ҳамма нарсани сиғдира олади. Лекин бу дегани унга ҳамма киради дегани эмас. Раҳмати кенг бўлса ҳам кимларгадир унга кириш насиб бўлмайди. (Аллоҳ асрасин!) Масалан: Минг кишини сиғдирадиган зал бўлиб: “унга фақат гувоҳнома билан кирилади”, дейилган бўлса, беш юз киши гувоҳнома билан келса, қолганлар эса гувоҳнома олиб келишмаса, гувоҳномаси борларгина киради. “Залда жой борку”, деб, гувоҳномаси йўқларни ҳам киритиб юборилмайди.

Юқорида зикр қилинган “Раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир” оятининг давомида қуйидагича марҳамат қилган:

مۇھىملىكىن نىڭ زەلەن ئۇتتۇرىۋەن نۇقۇتىيەنىڭ دىللەن ئەبۇتكەن ئاسىف ئېشلىك تەعسى و يەتەمەرەر و ... (157) ئىمەللىي بېنلىلۇسلىن نۇغىتىيەنىڭ دىلەن (156)

Яъни, ... Раҳматим эса ҳамма нарсадан кенгдир. Уни тақвода бўлувчилар, закот берувчилар ва оятларимизга иймон келтирувчиларга ёзажакман. Улар уммий Элчи - пайғамбарга эргашадилар. ... ". (Аъроф 156-157)"

Яна бир оятда эса қуидагича айтилган:

مۇھىملىكىن ئۇتتۇرىۋەن نۇقۇتىيەنىڭ دىللەن ئەبۇتكەن ئاسىف ئېشلىك تەعسى و يەتەمەرەر و ... (53)

Яъни: "Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва Раҳмлидир". (Зумар;53)

Бу оятлар бизни гуноҳ ва маъсиятларга журъат қилиш учун эмас, балки баъзи бир гуноҳларимизнинг мағфиратини ражо қилиш учун ва ноумид бўлмаслик учун айтилгандир.

Демак раҳматига дохил бўлишимиз учун мазкур амалларни қилишимиз ва пайғамбар алайхис саломга эргашишимиз керак экан.

Қудратуллоҳ Сидиқметов